



Yoshlar o'rtasida mamlakatimiz boy tarixini, uning betakror madaniyati va milliy qadriyatlarini keng targ'ib etish, jahon ilm-fani va adabiyoti yutuqlarini yetkazish uchun zarur muhit va shart-sharoit yaratish zarur.
Shavkat MIRZIYOYEV

IJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

**8-mart –
Xalqaro xotin-qizlar kuni**



**21-mart –
Bahoriy Navro'z bayrami**

**Rauf PARFI,
O'zbekiston xalq shoiri**

**YOMG'IR YOG'AR,
SHIG'ALAB YOG'AR**

**Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Tomchilar tomchilar sochimga.
Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Ham qayg'umga, ham quvonchimga.**

**Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Men unga ochaman bag'rimni.
Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Asta unutaman yomg'irni.**

**Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Oxir meni asir etar ul.
Yomg'ir yog'ar, shig'alab yog'ar,
Yog'a boshlar qog'ozga ko'ngil.**

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР



Гўзаллик ва нафосат умрни ширин лаҳзаларга тўлдиради. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бу йил 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами тамомила ўзгача шукуҳда нишонланди. Институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев 7 март куни эрта тонгдан аёлларимизни самимий қутладилар. Конференциялар залида жамоанинг

хўжалик ходималарини, бўлимларнинг мутахассис аёлларини, институтнинг профессор-ўқитувчиларини чин дилдан самимий қутладилар. Уларнинг сазй-ҳаракатлари, илмий ва ижодий салоҳияти туфайли Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти етук ва малакали кадрларни етиштириб келмоқда. Барча аёлларга қимматбаҳо эсдалик совғалари, пул мукофотлари топширилди.

Институтнинг ўқув театрида 8 март санаси муносабати билан “Сен, барибир муқаддасан, аёл” номли театрлаштирилган концерт дастури тухфа этилди. Ўқув театрига кираверишда барча аёлларга гуллар тақдим этилди.

Тадбирни институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев очиб, барча мунис ва гўзал аёлларимизни байрам билан чин дилдан муборакбод этдилар. Уларнинг ташаббуси билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 60 ёшга тўлган ва шу ёшдан ошган, неча йиллардан буён шу даргоҳда меҳнат қилиб келаётган аёлларимизга қимматбаҳо совғалар ва байрам гулдасталари тантанали равишда тақдим этилди.

Шундан сўнг, байрамнинг бадий қисми бошланди. Ноанъанавий тарзда ёндашилган тадбир қизгин тус олиб, шоу томошаларга, миллий ва замонавий куй-қўшиқларга бой бўлди. Аёлларимизни сахнада фақат эркаклар ўз ижод намуналари билан қутлашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азамат Шарипов, актёр Дилмурод Узоқов, педагог Фарҳод Фармонов, ўқув театри актриси Жамшид Эгамов, иктидорли талабалар Зокиржон Ғуломов, “Торнадо” гуруҳи йигитлари байрам шукуҳини оши-



ришди. Жонли ижроларнинг файзи, юморга бой чиқишлар, дуэтлар, хорижий қўшиқларнинг ижроси, фокус томошаси, болаларнинг қўшиқ ва рақслари барча мухлисларни олқишига сазовор бўлди.

Барча профессор-ўқитувчи аёллар, ходимлар ва талаба-қизлар байрам кайфиятидан мамнун бўлишиб, чексиз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

**Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти
Матбуот хизмати**

TEATR SAN'ATINING JAMIYAT ARBIYASIDAGI O'RNI

“Teyotr ibratnamodur, teyotr va’z-xonadur, teyotr ta’zir adabidur.

Teyotr oynadurki, umumiy hollarni anda mujassam va namoyon suratda ko’zliklar ko’rub kar quloqsizlar eshitib, asarlanur”.

Mahmudxo’ja BEHBUDIY

Darhaqiqat, taniqli dramaturg, publitsist, din va jamoat arbobi, jadidchilik harakati yetakchilaridan biri Mahmudxo’ja Behbudiy tomonidan aytilgan yuqoridagi gaplar qanchalik haqiqat ekanligini o’tgan davrlar ko’plab misollarda izohlab berdiki, go’yo isbot talab qilmaydigan aksioma sifatida ongimizda muhurlandi. Shu o’rinda jadidlarning xalqni ma’rifatli qilish va shu asosda Turkistonni o’rta asrlarga xos qoloqlik va diniy xurofotdan xalos etib, mustamlakachilar zulmidan ozod etish borasida san’atni, madaniyatni, xususan, teatrni o’rni naqadar muhimligini o’z vaqtida chuqur his eta olganliklariga tahsin aytmay ilojimiz yo’q.

Xo’sh, buyuk ma’rifatparvarlarimiz tomonidan ulug’langan, ta’lim-tarbiya o’chog’i “ibratxona” deb atalgan, teatr san’atimizning bugungi kundagi ahvoli qanday? Albatta, ko’plab sohalarida bo’lgani kabi san’at va madaniyat sohasiga bo’lgan e’tibor, millatimizning tarixan boy madaniy-ma’naviy merosini qayta tiklab, uni rivojlantirishga qaratilgan harakatlar sezilarli darajada o’sdi. Sohadagi moddiy bazani mustahkamlashga qaratilgan amaliy ishlar hududlardagi qad ko’tarayotgan zamonaviy teatr binolarini, mutaxassislarni yetishtirishga ixtisoslashgan maktablar u oliygohlarning tashkil etilayotganligini va yuksak natijalar ko’rsatayotgan xodimlarni moddiy va ma’naviy rag’batlantirilayotganligini keltirishimiz mumkin. Bu borada “Navro’z”, “O’zbekiston bahori”, “Xumo”, “Debyut”, “Seni kuylaymiz zamondosh”, “37+1”, “Theater UZ” kabi yoshlar va zamonaviy mavzulardagi spektakllar festivallari hamda “Respublika an’anaviy qo’g’irchoq teatrlari festivallari” kabi xalqaro va respublika miqyosida o’tkazilayotgan ko’rik-tanlovlarning o’rni beqiyosdir. Quvonarlisi shundaki, sohadagi islohotlar so’ngi uch yilda yanada jadallashib bormoqda. Yurtboshimizning soha vakillari, ziyolilar bilan uchrashuvlarida bildirayotgan

takliflari sohani rivojlantirishda asosiy dasturil amal bo’lib xizmat qilmoqda. Aholining xususan, yoshlarning ma’naviyatini yuksaltirishda teatrning ahamiyati katta.

E’tibor bersangiz, bugungi kunda teatrlarimizda sahnalashtirilayotgan spektakllar tomoshasiga kelayotgan tomoshabinlarning soni siyraklashgandek. Viloyat markazlaridagi va hattoki poytaxtimizdagi ko’zga ko’ringan teatrlarimizda ham spektakl vaqtida ko’plab o’rinlarning bo’shligini ko’rib odamning dili xira bo’ladi. Bunday hollar badiiy, tarbiyaviy jihatdan mukammal bo’lgan

spektakllar tomoshasiga kelish istagini bildirayotgan tomoshabinlarimizning muhim axborotdan bexabar qolayotganliklari jiddiy kamchilik, albatta. Bundan tashqari, Respublikamiz aholisining ko’p sonli qismini tashkil etuvchi poytaxt va viloyat markazlaridan uzoqda yashovchi fuqarolarimizning spektakllar tomoshasiga yetib kelishdagi muammolarini ham hisobga olishimiz kerak. Bizga ma’lumki teatrlarimizdagi spektakllarning namoyish vaqti ko’p hollarda kunning kechki qismiga soat 6 dan keyingi vaqtlarga to’g’ri keladi. Teatrlarimizning poytaxtda va viloyat markazlaridagina



mashhur spektakllar namoyishida ham kuzatilishi rad etib bo’lmaydigan haqiqat. Bu kabi holatlar tomoshabinlar bilan to’lmayotgan teatrlarimizning iqtisodiy tomonlariga zarar yetkazishi bilan birgalikda, xalqimiz ma’naviyatini oshirishga qaratilgan islohotlarni amalga oshirishga to’sqinlik qilishi ehtimoldan xoli emas. 34 milliondan oshgan xalqimizning kam foizdagi qismigina teatr san’atimizning estetik zavqidan bahramand bo’layotganligi sabab ma’naviy ta’sir doirasidan chetda qolayotgan tomoshabinlar auditoriyasining qamrovini kengaytirishga qaratilgan islohotlarni talab qilayotgandek. Mazkur muammoga teran nazar tashlaydigan bo’lsak, hozirda teatrlarimiz repertuarlarida mavjud bo’lgan milliy va jahon teatrlarining durdona asarlari qatoriga, yangicha ruhdagi, zamonaviy mavzulardagi spektakllarni ham muntazam kiritib borishimizni davrning o’zi taqozo etmoqda. Yangi kadrlar, yosh dramaturglarimizning ijodiy faoliyatiga berilayotgan ko’mak va imkoniyatlar ko’lamini yanada kengaytirib, ularni jarayonga kengroq jalb qilsak, maqsadga muvofiq bo’ladi. Yangicha rejalarini amalga oshirar ekanmiz, tomoshabinlarimizning talab va takliflarini ham atroflicha o’rganib chiqib, kamchiliklarimizga o’z vaqtida barham berishimiz lozim. Mana shunday kamchiliklarimizdan biri, teatrlarimizda sahnalashtirilayotgan spektakllarimizning sanasi, namoyish vaqti ko’rsatilgan afishalar, ommaviy axborot vositalarida berib borilayotgan reklamalar yetarlicha yo’lga qo’yilmaganligidir. Yuqorida aytib o’tilgan muammolar yuzaga kelgan bir paytda,

joylashganligini hisobga olsak, bu uzoqdan tomoshabinlarimizga noqulaylik tug’diradi. Kechki soat 6 da boshlanib ko’p hollarda 2 soatda, yakun topadigan spektakldan chiqqan tomoshabinning oldida uzoqda joylashgan manziliga yetib olishdagi transport muammosi turadi. Kech kirib qolgach, viloyatlarimizdagi transport holati o’zingizga ma’lum. Xo’sh, endi bizning san’atsevar tomoshabinimiz nima qilsin? Ushbu muammoga yechim izlab hududlardagi aholi vakillaridan ko’pgina takliflar oldim. Ma’lum bo’lishicha, bugungi kunda chekka hududlarimizda ham markazdagi aholi havas qilsa arziydigan san’at madaniyat maskanlari maktab kollej hokimiyat binolarining tadbirlar va majlislar o’tkazish uchun barpo etilgan zallari mavjud bo’lib, ularda spektakllar namoyishi uchun barcha imkoniyatlar yetarli. Mazkur inshootlar hududlardagi ma’lum bir tadbir yoki majlislarni hisobga olsa, boshqa vaqt deyarli foydalanilmas ekan. Ushbu imkoniyatlardan unumli foydalanilgan holda poytaxt va viloyat markazlaridagi teatr jamoalarimiz chekka hududlarimizga ham o’zlarining ijodiy safarlarini tashkil etib, o’sha hududlarda ham o’zlarining ijodiy safarlarini tashkil etib tomoshabop spektakllarni namoyish etsalar, juda ham foydali bo’lar edi. Bilamizki, inson biror narsani sevishi unga mehr qo’yishi uchun avval uni yaxshi tanib olishi lozim. Yuqoridagi ijodiy safarlar esa markazlardan yiroqda joylashgan teatr san’atimizdan bexabar qolayotgan aholimizni milliy teatr san’atimiz bilan yaqindan tanishtirib, unga mehr qo’yishga, sevishtirishga undaydi. Izlagan im-

kon topadi deganlaridek, teatr san’atiga mehr qo’ygan tomoshabin albatta, vaqtini topib, keyinchalik markazlardagi spektakllarga ham tashrif buyuradi. Bu esa kundan kun tomoshabinlari kamayib borayotgan teatrlarimizga ko’p sonli tomoshabinlar oqimini yo’naltirishi shubhasiz.

Oxirgi paytlarda ommaviy axborot vositalarini kuzatar ekanmiz, to’ylarimizda isrofgarchiliklarga yo’l qo’yilayotgani, yoshlar o’rtasida turli xil qonunbuzarlik holatlarini oshib borayotganligi va yosh oilalardagi ajrimlar sonining ortgani haqidagi dilni xira qilguvchi xabarlar ko’plab duch kelyapmiz. Qadimdan xalqimizga yot bo’lgan bu kabi qora illatlar jamiyatimizda tobora avj olayotganligi o’z vaqtida millatimiz ma’naviyatini yanada yuksaltirib ularga qarshi immunitet hosil qilishni talab etmoqda. Albatta bugungi kunda yuzaga kelayotgan muammolarni bartaraf etish maqsadida davlatimiz tomonidan puxta ishlab chiqilgan rejalar asosida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Shunday bo’lsada, mazkur islohotlar samaradorligiga ta’sir o’tkazuvchi omillar ham borki ularni yaxshi anglamog’imiz lozim. Agar moziyga nazar tashlaydigan bo’lsak, bundan 100 yil muqaddam ma’rifatparvarlarimiz tomonidan millatimiz kelajagini o’ylab kuyunib aytib ketilgan hikmatli so’zlarga guvoh bo’lamiz. Ular o’sha davrlardayoq jamiyat rivojida yoshlar tarbiyasi muhimligini to’ylarimizdagi ortiqcha isrofgarchiliklarning oqibatini oilani mustahkamlashda ma’naviyatning o’rini ravshan izohlar ekanlar, jaholatga qarshi ma’rifat bilan kurashish kerakligiga da’vat etib san’at xususan teatrning tarbiyaviy ta’siri jihatdan beqiyos qudratga ega ekanligini mufassal bayon qilganlar. Shunday ekan, bugungi kunda teatrlarimizda namoyish etilayotgan insonni oilaparvarlikka, uning muqaddasligiga da’vat etuvchi “Chimildiq”, “Andishali kelinchak”, yoshlarni vatanparvarlikka insoniylikka undovchi “Mirzo Ulug’bek”, “Jaloliddin Manguberdi”, jamiyatni adolatga ne’matlarni qadriga yetishga chaqiruvchi “Iymon”, “Tog’larday baland bo’l” kabi tarbiyaviy ahamiyatga ega spektakllarimiz ko’lamini kengaytirib ularni nafaqat poytaxtimiz va viloyat markazlarida balki chekka tumanlarimizdagi madaniyat maskanlarida ham namoyishini tashkil etish yuksak ma’naviyatli jamiyat qurishga qaratilgan islohotlarimizning samaradorligini oshishiga xizmat qiladi. Albatta, bu jarayonlarga mutasaddilarimiz, viloyat va tumanlardagi rahbarlarimiz o’zlari boshchilik qilib amaliy yordam bersalar, mavjud imkoniyatlardan foydalanilgan holda o’z hududlarida ibrat maktabi bo’la oluvchi spektakllar namoyishiga aholini, yoshlarni va endigina katta hayotga kirib kelayotgan yosh oilalarimizni jalb etishda jonbozlik ko’rsatsalar ayni muddao bo’lardi.

Bu mening shaxsiy kuzatishlarim asosida yozganlarim. Natija ham biz yoshlarning institutda olayotgan sabog’imizni kelgusida amalga tatbiq etishimizga bog’liq.

Murodillo MAHMUDOV,
“Kino san’ati
tanqidi va tahlili” yo’nalishi
3-bosqich talabasi



Qars ikki qo'ldan

Shu yilning 24-yanvar kuni Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning mam-lakatimiz Parlamentiga Murojaatnomasi tinglandi. Unda 2020-yil “Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyot” yili deb e’lon qilindi. Barcha sohada yangiliklar, qulayliklar yaratilishi hammani quvontirdi. Oliy ta’lim tizimida ham o’qituvchilarning malakasini oshirish va ularning mehnatiga haq to’lash masalasi hal etilishi, yangi professional ta’lim tizimi yo’lga qo’yilishi, maktab bitiruvchilarini oliy ta’lim bilan qamrab olish darajasini 2020-yilda kamida 25%ga va kelgusida 50-60%ga yetkazish lozimligi ko’zda tutildi. Oliy o’quv yurtlariga talabalar qabul qilish davlat grantlari 2 barobar ko’paytirilishi, qizlar uchun alohida grantlar ajratilishi, pedagog va talaba uchun sharaflari, shuningdek, ma’suliyatli vazifani yuklaydi.

Xo’sh, bunday imkoniyatlarga bugungi kunda talabalarimiz qanday javob qaytarmoqdalar?. Ularning oliy o’quv yurtlarida bilim sifati, tarbiyaviy jihatlar qanday shakllanmoqda? Bizga ma’lumki, davlatimizda ta’lim tizimi demokratiya asosida olib boriladi. Yoshlarimiz demokratiya atamasini qanday qabul qilishmoqda?

Albatta, har bir oliy ta’lim muassasasi talabasi erkin fikr bildira olish huquqiga ega. Ayniqsa, hozirgi yoshlar har jihatdan ilg’or va iqtidorlidir. Demokratiya – bu so’z erkinligi, lekin uni o’rinsiz tanqid uchun ishlatish esa savodsizlikning bir

ko’rinishiga aylanadi. Guruch kurmak-siz bo’lmaydi, deganlaridek, ayrim talaba yoshlarning orasida oliy o’quv yurti pedagoglariga tanqidiy munosabatlarni bildirayotganliklarini guvohi bo’lmoqdamiz. Bildirilgan fikrlar o’rinli bo’lsa yaxshi, ammo tanqid ostidagi pedagogni tahliliga talabaning o’zi munosibmikan?

Talaba aslida kim? Uning asosiy vazifasi nima? Javob aniq. U oliy ta’lim muassasasi ta’lim oluvchisi, o’zi tanlagan kasbga munosib bo’lishdek maqsadni ilgari surgan shaxs, menimcha.

Sizningcha, oliy ta’limning kiyinish madaniyatini, darsga o’z vaqtida yetib kelishni, uyali aloqa vositasidan o’z o’rnida foydalanishni hamda barcha joyda muomala madaniyatini qayta-qayta uqtirgan pedagog tanqid ostiga olinishi kerakmi? Yo’q, albatta.... Siz talaba sifatida o’z vazifalaringizni vaqtida bajara olyapsizmi? Yo’q, albatta...

Demak, qars ikki qo’ldan chiqmoqda. Siz pedagogdan to’g’ri munosabatni talab qilar ekansiz, siz ham shunga munosib talabaga aylaning...

Zero, talabalik-oltin davr. Bunday davrda sizdan talab qilingan darslarga borib tanlagan kasbingizni mukammal egallash uchun chuqurroq ilm olishga intiling, aziz talabalar!

Shirin ASQAROVA,
“Folklor va etnografiya”
kafedrası xodimi

КИНО САНЪАТИ ҲАҚИДА

Америка ёзувчиси Рейд Бредбери асари асосида “Майин ёмғир ёғди” фильмини суратга олишга қўл уради. 2026 йилдаги фожиа ядро қуроли портлашининг оқибатлари келтириб ўтилган навбатдаги фильм ҳам ижодкорга муваффақият ва шон-шухрат келтиради, қатор совринлар билан тақдирланади. Жумладан, фильм 1984 йилда Лейпцикда “Олтин кабулар” мукофотиға, 1985 йилда эса Бутуниттифоқ кинофестивалидаги биринчи совринга, ҳатто Испаниянинг Билвао шаҳрида бўлиб ўтган киноқўриқда “Кумуш аждар” совринига сазовор бўлади. Нозим Тўлахўжаев фаолияти давомида қатор фалсафий йўналишдаги “Қиёфа” (1992), “Даладаги гуллар” (1993), 6 қисмли “Алпомиш” (1998), “Куш” (Россия. 2006), “Арқ” (2007), “Мешкобнинг бахти” (2008), “Лочин ови” (2009), “Букри ошиқ” (Россия. 2010), “Фарход ва Ширин” (2011), “Широқ хақида афсона” (2011), “Учар тулпор” (2012) номли анимацион фильмлар суратга олади. Режиссёрнинг “Букри ошиқ” мультфильми Москвада ўтказилган “Олтин Витяз” халқаро кинофестивалда “Энг яхши мультфильм” номинацияси бўйича мукофотни қўлга киритади.

Кўп қиррали ижодкор Нозим Тўлахўжаев нафақат мультипликатор сифатида, балки актёр сифатида ҳам ўз истеъдодини томошабинларга намоиш этади. Кино мухлислари режиссёрни кўпроқ ижро этган роллари орқали танишади. Режиссёр мустақиллик йилларида актёр сифатида “Хаммаси учун тўлаш керак” (1991), “Марғиёна” (1996), “Алпомиш” (1999), “Спецназ” (Россия. 2000), “Остона” (2000), “Бахт қадри” (2001), “Аёллар” (2002), “Яратганга шукр” (2003), “Умар Хайём” (2004), “Чегарада” (Россия. 2004), “Кичкина табиб” (2005), “Осмондаги болалар” (1-2-қисмлар, 2005), “Ўйин” (2006), “Суиқасд” (2006), “Ватан” (2007), “Ўтов” (2007), “Супер келинчак” (2008), “Сукунат” (2008), “Жийда гули” (Сериал, 2009), “Илова” (2009), “Жаннатдаги бўривачча” (2010), “Банда”

#Ustozingiz haqida...

Манзура Бориходжаевна, для меня, один из тех преподавателей, кого действительно можно назвать настоящим профессионалом своего дела. Вот уже почти 40 лет она занимается педагогической деятельностью. Она любит не только предметы, которые преподаёт нам, но и в целом свою деятельность педагога, студентов, и вкладывает свою душу в то, чем она занимается. Может поэтому её все так ценят и уважают.

Хотела бы отметить тот факт, что в каждом студенте, Манзура Бориходжаевна, благодаря своей внимательности и опыту, чётко может видеть его способности, сильные стороны и потенциал. Может находить индивидуальный подход к каждому, а также, когда необходимо, дать нужные советы и направить, поддержать в начинаниях, мотивировать и пробуждать интерес.

С первого курса она прививала мне веру в себя и свои способности, благодаря ей я обрела много полезных знаний, навыков и опыт.

Я рада тому, что встретила такого педагога, ценю это и очень ей благодарна.



В завершении своего небольшого рассказа об одном из моих любимых преподавателей, от всей души хочу пожелать Манзуре Бориходжаевне крепкого здоровья и всего хорошего.

Шодия ШОКИРОВА,
Студентка 4 курса направления:
“Организация и управление учрежде-
ниями культуры и искусств”

ни хохламаган Рустам доимо жилмайиб юришга ҳаракат қилади. Рустамни бокиб олган отаси Саид ака (Мурод Ражабов) фарзандидан айрилаётган бўлса-да, дардини ташқарига чиқармайди, унинг юзида ғамгинлик аломати кўринмайди. Рустамнинг вафотидан сўнг Нигина бу оғир жудоликка чидаёлмай, ўз жонига қасд қилади. Бундай вазиятда Саид ака келиб қолиб, Нигинанинг ҳаётини сақлаб қолади. Нигинанинг қилган иши учун уни қойиб беради. Нигинанинг ёлғиз ўзи яшай олмастлигини билиб, ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлади. Эшиқдан чиқиб кетаётган вақтда Нигина почта қутисидаги хатни кўриб қолади. Турмуш ўртоғи томонидан ёзилган мактубни кўриб ўз уйида қолишга қарор қилади. Шу кундан бошлаб Нигина ҳар тонг Рустамнинг ёзган мактубларини кутиб уйғонади. Турмуш ўртоғининг ёзган хатлари Нигинага яшашга бўлган иштиёқини оширишга ёрдам беради. Мактубларни ўқиб, Нигина Рустам гўёки у билан биргадек, уни яшашга ундаётгандек ҳис қиларди. Саид ака Нигинага Рустамнинг охириги мактубини олиб келиб беради. Буни эшитган Нигина ўзини Рустамни яна бир бор йўқотгандек ҳис қилади. Охириги мактуб видео тасмага ёзилганди. Нигина видеони кўрар экан, яқин инсони ёнида йўқлигидан ич-ичидан эзилиб йиғлайди. Яшашга бўлган иштиёқини ошираётган мактублар тугаган бўлишига қарамай, Нигина ўзида яшаш учун куч топа олади. Кунлар ўтиб, Нигина ёридан ёдгорлик – фарзанд қолганини билади. Туғилажак фарзанди унга янги ҳаёт бағишлайди.

Санъат – катта бир уммон экан, унинг ичида бир томчи бўлиш ҳам улкан бахт. Негаки, бундай мураккаб қасб эгаси бўлмоқ ҳар бир ижодкордан фидойилик, кунт ва саботни талаб қилади. Режиссёр Нозим Тўлахўжаев эса фаолияти мобайнида фидойилик, кунт ва саботни ўзига ҳамроҳ билиб, янгидан-янги санъат асарларини яратиб келмоқда.

Шахноза ТУЮНОВА,
“Кино санъати танқиди ва таҳли-
ли” йўналиши
2 босқич талабаси



“O‘TKAN KUNLAR” TALABALAR NIGOHIDA



O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 3-dekabrda “Buyuk o‘zbek yozuvchisi Abdulla Qodiriy ijodining ulkan ahamiyatini inobatga olib, yosh avlod qalbida Vatanga muhabbat va sadoqat, ajdodlarimizning ma’naviy merosi bilan faxrlanish va iftixor tuyg‘ularini yuksaltirish hamda yozuvchi tavalludining 125-yilligini keng nishonlash to‘g‘risida”gi farmoyishi qabul qilingani jamiyatimiz ma’naviy-ma’rifati hayotida ulkan tarixiy voqea bo‘lganini keng jamoatchilik, katta-yu kichik eldoshlarimiz e’tirof etmoqdalar.

Prezidentimiz olg‘a surgan 5 ta muhim tashabbusning amaldagi ijrosini ta’minlash, talaba yoshlarni ilm-ma’rifatga yo‘naltirish, ijodiy layoqatini mustahkamlash, asriy an’ana, milliy qadriyatlarini asrab-avaylash borasida ham bir qancha samarali ishlarning olib borilayotgani quvonarli holdir. O‘zDSMI “Sahna nutqi” kafedrasida hamda “Estrada va ommaviy tomoshalar san’ati” kafedrasida professor-o‘qituvchilari va talabalar ishtirokida 2020-yilning 28-fevral kuni Abdulla Qodiriy muzeyida “Qodiriy o‘qib...” deb nomlangan adabiy-badiiy kecha o‘tkazilganligi ijodkor yoshlarning ma’naviy yuksalishida muhim omil bo‘ladi. Tashkilotchilar Qutlimurodov Zafar va Sadirdiniv Asroriddin hamda mas’ul o‘qituvchilar Jumanova Dilrabo, Umarova Dildora hamda badiiy rahbar Jahongir Mamatqosimov boshchiligidagi o‘tkazilgan tadbirga O‘zbekiston xalq hofizi, dotsent Orolmirza Safarov, O‘zbekiston xalq artisti Gulchehra Jami-

lova, O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan artist Gulchehra Sa’dullayeva, “Shuhrat” medali sohibasi Dilnoza Kubayeva hamda teatr aktrisasi Feruza Mustafayevalarning tashrif buyurishi badiiy kechaning yuksak saviyada o‘tganligini ifodalaydi. Qolaversa, dasturning asosiy mehmonlari hisoblangan Abdulla Qodiriy nevarasi Nazira Odilovalarning tashrifi adabiy jarayonning badiiy qimmatini oshirdi.

Tadbirida “Sahna nutqi” kafedrasida katta o‘qituvchisi Sh.Yusupov, “Estrada va ommaviy tomoshalar san’ati” kafedrasida o‘qituvchisi Sh.Ikramov boshchiligidagi 1-Estrada va ommaviy tomoshalar rejissyorligi bo‘limi hamda 3-Estrada aktyorligi bo‘limi talabalar, qolaversa, “Vays-Media” xususiy san’at maktabi o‘quvchilari faol ishtirok etgani badiiy adabiyotning sahnaviy talqiniga bo‘lgan qiziqishini namoyon qildi. Tadbirni “Sahna nutqi” kafedrasining katta o‘qituvchisi Bahodir Mag‘diyev olib bordi. O‘zbekiston xalq hofizi, dotsent Orolmirzo Safarov “Qodiriy menman” deb nomlanuvchi qo‘shig‘i bilan muzeyga tashrif buyurgan mehmonlarni kutib oldi. Dastur mehmonlari muzey bo‘ylab sayohatni davom ettirar ekan, muzeyning har bir burchagida Abdulla Qodiriy to‘g‘risidagi manbalar bilan tanishish barobarida jonli ijrolarni ham kuzatib borishdi. Jumladan, 3-bosqich "Estrada aktyorligi" bo‘limi talabasi Xudayberganov Dilmurod muzeyning qatag‘onlar bo‘limida shoir Tilab Mahmudning “Qodiriyning so‘nggi so‘zi”

she‘rini Qodiriy obrazida, 4-bosqich "Estrada va ommaviy tomoshalar rejissyorligi" bo‘limi talabasi Mohinur Karimberdiyeva A.Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani hamda M.Yusuf she‘rlari asosida insenirovka qilingan “Kumushbibi maktubi”ni zavq bilan o‘qigani tomoshabinlarning hayratini oshirdi. Qolaversa, muzeyning badiiy adabiyotlardan namunalar keltirilgan qismida kichik sahna tashkil etilgan, muzeyning har bir burchagidan talabalarning sahnaga chiqib kelishi hamda “O‘tkan kunlar asari talabalar nigohida” deb nomlangan sahna ko‘rinishlarini taqdim qilishlari ijodiy muhitning rang-barang tarzida tashkil etilganligini ko‘rsatadi. Shu kichik sahnada teatr aktrisalari Dilnoza Kubayeva hamda Feruza Mustafayevalar ijrosida “O‘tkan kunlar” asaridan sahna ko‘rinish taqdim qilingani davraga yig‘ilgan yosh ijodkorlarga mahorat darsi bo‘ldi. Taniqli rejissyor Yo‘ldosh A‘zamov tomonidan ekranlashtirilgan “O‘tkan kunlar” filmi ijodkorlari, ya’ni, filmida Kumushbibi rolini ijro etgan aktrisa Gulchehra Jamilova hamda Zaynab roli ijrochisi Gulchehra Sa’dullayeva, Respublika yosh tomoshabinlar teatri aktrisasi Rushana Abdullayeva ijrosidagi “Zaynab nolasi” monologi badiiy kechaning yakuniy nuqtasi bo‘ldi, deya e’tirof ettirish yosh ijodkorlarga samimiy maslahatlar berilgani dasturning finali sifatida yangradi.

O‘zbek kinosi va milliy teatr namoyandalarining talaba-yoshlar bilan olib borgan ijodiy muloqoti, o‘tkazilgan ma-

horat darslari Abdulla Qodiriyning avlodlari tomonidan yuksak e’tirof etilib, tashkiliy-ijodiy guruhga o‘z minnatdorchiligini bildirishdi.

Abdulla Qodiriy abadiyati haqida gapirar ekan, davlatimiz rahbari muhtaram Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ulug‘ adib asarlarini, ayniqsa, bugungi yoshlar ko‘proq mutolaa qilishi, o‘qib-o‘rganishlari zarurligini qayta-qayta ta’kidlagan edilar. “Buyuk adibimiz, o‘zbek romanchilik maktabining asoschisi Abdulla Qodiriy badiiy dahosi bilan yaratilgan yetuk asarlar milliy o‘zligimizni anglashda bugun ham beqiyos ahamiyat kasb etmoqda.

Bu xayrli ishlarning barchasi haqiqatan ham quvonarli va g‘ururbaxsh. Abdulla Qodiriy – millat faxri, xalq iftixori, albatta. Maqsad shundan iboratki, bugungi va kelgusidagi yosh avlod shunday beqiyos adabiy merosdan boxabar va bahramand bo‘lmog‘i shart. Ulug‘ zotlar ta’kidlaganiday, bugungi bolalar – aziz farzandlarimiz ertangi xalq bo‘lmog‘i uchun ham, eng avvalo, ma’rifat kerak, bilim kerak, adabiyot kerak, Qodiriylar kerak! Yana va yana Qodiriylar kerak!”


Talabalarning Abdulla Qodiriy ijodi hamda hayoti bilan tanishuvi ularning ilm, ijodidagi bilim va sadoqatini mustahkamlaydi.



Dilrabo JUMANOVA
O‘zDSMI “Sahna nutqi”
kafedrasida o‘qituvchisi



АЁЛЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.
Ш.Мирзиёев.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 16-17 февраль кунлари БААнинг Дубай шаҳрида Бутунжаҳон аёллар форуми бўлиб, анжуманда 87 та давлатдан жами 3000 дан ортиқ делегат қатнашди. Форумнинг дастлабки кунда Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлади. Форум доирасида 60 дан зиёд семинар ва сессияларда турли мавзулар муҳокама қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг салкам 17

миллионини аёллар ташкил этади. Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги ва гендер масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб келинмоқда. “Бугун бу ерда эканимизнинг боиси – тажриба алмашиш, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш ва руҳлантириш, қолаверса, жамиятларимиздаги аёлларнинг ролини ошириб, уларга инсоният цивилизациясига ўз ҳиссаларини қўшиш имкониятини яратиб беришдир. Шунга аминманки, ўзбек аёлларининг ҳам дунёга айтар сўз бор – улар инсониятнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига салмоқли ҳисса қўша олишади”, – деди Саида Мирзиёева.

Бугунги кунда Олий вакиллик органи ҳисобланган Олий Мажлис Сенатида 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида 21 нафар депутат аёл фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Мингдан ортиқ аёл маҳалла фуқаролар йиғинини бошқариб келмоқда. Бу борада, 2020 йил 20 февраль куни жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла

институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бунда, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошириш учун белгилаб берилган қатор вазифалар қўйилди:

– хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

– хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

– хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар

га, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

– хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу қабул қилинган давлат аҳамиятига молик ҳужжат биз хотин-қизлар олди-га катта масъулият юклайди. Юртбошимизнинг биз аёлларга қаратилган юксак эътиборидан беҳад мамнунмиз ва бу ишончга муносиб бўлишга астойдил интиламиш. Бу янгиланаётган Ўзбекистон шароитида аёлларнинг ўзлари ҳам фаол бўлиб, ҳар бир соҳада ўз мавқеини оширишга, ижтимоий қатъий ишонч билан ҳаракат қилсагина, биз катта муваффақиятларга эришамиз.

Дилноза ҚУРБОНОВА,
“Маданиятшунослик” мутахассислиги I курс магистранти

Muassis:

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti

Bosh muharrir:

Muhayyo QOSIMOVA

Tahrir hay’ati:
Go’zal XOLIQULOVA
Ma’rufjon YULDASHEV
O’tkur ISLAMOV
Antonino KOSHELEVA
Rashid USNATOV
Jumagul NISHONOVA
Mas’ul kotib:
Alimurod TOJIYEV
Nafisa RAIMQULOVA

Tahririyat manzili: 100025 Toshkent shahri, Mirzo Ulug’bek tumani, Yalang’och mavzesi, 127 A uy.

Telefon: (0-371) 230-28-13.

www.dsml.uz; nashriyot@dsml.uz

Gazeta har oyning oxirgi haftasida «NISO POLIGRAF» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Manzil: O’rta Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash’al mahallasi, Markaz –1.

Sahifalovchi:
Shahriyor IBRAGIMOV

Gazeta Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasida № 02-00166 raqami bilan 2012-yil 19-dekabrda ro’yxatga olingan.

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo‘limida tayyorlandi. O‘lchami – A3, hajmi 2 bosma taboq. Nuxsasi – 500 dona. Narxi kelishilgan narxda. Chop etishga 30.03.2020-yilda topshirildi.